

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитаси
раиси


М. Азимов
02 07 2018 йил

Ўзбекистон давлат муассасалари
ва жамоат хизмати ходимлари
касаба уюшмаси Республика
Кенгаши раиси


А. Абдумухторов
02 07 2018 йил

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳамда Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ўртасида Давлат божхона хизмати органларининг махсус унвонга эга бўлган ҳамда мутахассис, хизмат кўрсатувчи ва ёрдамчи (техник) ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича 2018 - 2020 йилларга тузилган

ТАРМОҚ КЕЛИШУВИ

Тошкент шаҳри

Мазкур тармок келишуви (кейинги ўринларда “Келишув” деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши (бундан буён матнда Тарафлар деб юритилади) ўртасида тузилган бўлиб, тармокни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, меҳнат шартлари ва унга ҳақ тўлашни, ходимларнинг ижтимоий кафолатларини белгилаб берувчи ҳужжатдир.

I. УМУМий ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси (бундан буён матнда ДБК деб юритилади) ижтимоий шерикликни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши (бундан буён матнда Кенгаш деб юритилади) билан Давлат божхона хизмати органларининг махсус унвонга эга бўлган ҳамда мутахассис, хизмат кўрсатувчи ва ёрдамчи (техник) ходимларининг (бундан буён матнда ходимлар деб юритилади) меҳнат, иш ҳақи, уларнинг иш билан бандлиги ва ижтимоий кафолатлари борасида музокаралар олиб боради. Келишув ва жамоа шартномаларини тузиш ҳуқуқини белгилайди ҳамда ходимларнинг ягона вакиллик органи сифатида Касаба уюшмасини (бундан буён матнда Касаба уюшмаси деб юритилади) тан олади.

2. Келишув Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Меҳнат кодекси, Божхона кодекси, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”, “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ПҚ-3665-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 88-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишуви меморандум ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, ундаги шартлар тизимда фаолият юритаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва имтиёзларининг энг паст даражасини кафолатлайди.

3. ДБК Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид имзоланган 2017-2019 йиллар учун Бош келишув талабларидан келиб чиқиб, қуйидагиларни амалга оширишни ўз зиммасига олади:

- меҳнат қонунчилиги бузилишининг олдини олиш борасида касаба уюшмалари билан тизимли ҳамкорликни таъминлаш;
- тизимда Халқаро меҳнат ташкилотининг асос солувчи Конвенцияларига риоя этишга доир чоралари тизимини ҳар йили таҳлил қилиб бориш;
- “call center” ва ишонч телефонлари тармоқларини кенгайтириш орқали ижтимоий-меҳнат масалалари юзасидан аҳоли билан Қайта алоқа механизмини янада такомиллаштириш;
- Халқаро Меҳнат Ташкилотининг қуйидаги Конвенцияларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш:
- “Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-сонли Конвенция;
- “Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш

тўғрисида”ги 100-сонли Конвенция;

- “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 103-сонли Конвенция;
- “Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги 105-сонли Конвенция;
- “Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тўғрисида”ги 111-сонли Конвенция;

- “Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги 138-сонли Конвенция;
- “Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида”ги 182-сонли Конвенция.

4. Тарафлар Касаба уюшмасига аъзолик бадалларини факатгина ҳар бир ходимнинг ёзма билдиргиси асосида (Меҳнат кодексининг 164-моддаси) ДБКнинг Молия-иқтисодиёт бошқармаси ва унинг ҳудудлардаги бўлимлари (бухгалтерия) орқали пул ўтказиш йўли билан тегишли Касаба уюшма кўмитаси ҳисоб рақамига ўтказиш тартибини сақлаб қолишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.

Ходим исталган вақтда касаба уюшмаси аъзолигидан ўзининг ёзма билдиргиси асосида чиқиши мумкин, билдирги ёзган кунидан эътиборан ундан аъзолик бадали ундирилиши тўхтатилади.

Аъзолик бадали ҳар ойда ходимнинг лавозим маошидан 1 фоизи ушланиб қолинади. Мазкур ушланиб қолинган маблағнинг 50 фоизи Кенгаш ва унинг ҳудудий ташкилотлари ҳисоб рақамларига, қолган 50 фоизи эса ДБКнинг марказий аппарати, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, “Тошкент-АЭРО” ИБК, Олий ҳарбий божхона институти ва Миллий кинология марказининг бошланғич Касаба уюшмаси ҳисоб рақамига ўтказилади.

5. ДБК меҳнат меъёрларини ишлаб чиқишда, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги ПҚ-3665-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органларида хизматни ўташ тўғрисидаги Низом” ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланади.

6. ДБК махсус унвонга эга бўлган ходимларга оид масалаларда Касаба уюшмаси билан келишмайди.

7. Ушбу Келишув нормалари божхона органларига дахлдор бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга зид бўлса, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги Қонунидан келиб чиқиб устиворлик масаласи ҳал этилади.

II. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ВА БАНДЛИК КАФОЛАТЛАРИ

8. Иш берувчи:

а) Давлат божхона хизмати органларининг мутахассис, хизмат кўрсатувчи ва ёрдамчи (техник) ходимлари (бундан бўён матнда ёрдамчи ходимлар деб юритилади) юзасидан:

ёрдамчи ходимларни шартномага асосан иш билан таъминлайди ва уларга хавфсиз меҳнат шароитини яратади;

ёрдамчи ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми, 1, 2 ва 6-бандлари, 106-моддаси 2-бандида кўрсатилган асосларда бекор қилинса, Иш берувчи ходимга мутахассислиги ва малакасига мувофиқ келадиган ишни таклиф этади, имконият даражасида тизимдаги ташкилотларга ишга жойлаш чораларини кўради;

ёрдамчи ходим Иш берувчи ташаббуси билан бошқа ишга вақтинча ўтказилган вақтда, бажарган ишига қараб, лекин аввалги лавозимидаги иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўлайди;

ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида ўз вақтида, лекин камида икки ой олдин тегишли касаба уюшмаси органига ахборот тақдим этади ва ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган маслаҳатли ишларни амалга оширади. Иш берувчи камида икки ой олдин ҳар бир ходимнинг касби, мутахассислиги, малакаси ва меҳнат ҳақи миқдорини кўрсатган ҳолда, бўлажак ишдан озод қилиш тўғрисидаги маълумотларни туман (шаҳар) бандликка қўмаклашиш марказига ҳам маълум қилади;

ишга янги қабул қилинган ходимни Касаба уюшма қўмитаси раиси (ташкilotчиси) билан таништирилишини таъминлайди.

ёрдамчи ходимларнинг меҳнат шартномасини касаба уюшмаси қўмитасининг олдиндан розилигини олмай туриб Иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Меҳнат шартномаси:

корхона тугатилиши муносабати билан;

корхона раҳбари билан тузилган шартномани Меҳнат кодекси 100-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган асослардан бирига кўра;

Меҳнат Кодекси 100-моддаси иккинчи қисмининг 6-бандига кўра Иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинган тақдирда Касаба уюшмаси қўмитасининг розилигини олиш талаб этилмайди.

Меҳнат шартномасини ДБҚнинг ташаббусига кўра бекор қилишга розилик сўраб киритилган тақдимнома касаба уюшма қўмитасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2016 йил 19 апрелдаги 2-11-сонли қарори билан тасдиқланган “Касаба уюшмаси органида Иш берувчининг тақдимномасини кўриб чиқиш тартиби” асосида 10 кундан кечиктирмасдан кўриб чиқилади.

б) Давлат божхона хизмати органлари махсус унвонга эга бўлган ходимларнинг хизмат фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2018 йил 12 апрелдаги ПҚ-3665-сон қарори ҳамда тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан ташкил этилади.

9. Ёрдамчи ходимлар билан жамоа шартномасини тузиш пайтида ушбу ходимлар учун белгиланадиган ижтимоий кафолатларни ушбу Келишувда белгиланганидан кам бўлмаслигини таъминлаш мажбуриятлари Иш берувчи зиммасига юкланади.

10. Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор касаба уюшмаси тақдимномасини ДБҚ қонун ҳужжатларида белгиланган муддат ичида кўриб чиқиб, натижаси ҳақида унга хабар беради.

11. ДБҚ ўз тизимида ташкил этилаётган ўқув дастурларига “Халқаро ва миллий меҳнат стандартлари” мавзусида таълим курсларини киритилиши таъминлайди.

12. ДБҚ Олий ҳарбий божхона институти битирувчилари ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида тизимли ишларни ўз зиммасига олади.

III. ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ

13. ДБҚ тизимида иш ҳафтасининг қуйидаги муддатлари қабул қилинади:
нормал меҳнат шaroитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун – ҳафтасига 40 соат;

16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ходимлар учун – ҳафтасига 36 соат;

I ва II-гуруҳ ногирони бўлган ходимлар учун – ҳафтасига 36 соат;

3 ёшгача боласи бор аёллар учун – ҳафтасига 35 соат.

14. Иш кунининг бошланиш ва тугаш вақти ички меҳнат тартиб қоидаларида белгилаб қўйилади.

15. Ёрдамчи ходим билан Иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан тўлиқсиз иш куни ёки иш ҳафтаси белгилаб қўйилиши мумкин.

хомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлнинг, шу жумладан, ҳомийлигида шундай боласи бор аёлнинг ёки оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш билан банд бўлган шахснинг илтимосига кўра, Иш берувчи тиббий ҳулосага мувофиқ уларга тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилайди.

тўлиқсиз иш вақти шарти билан ишлаш ходимнинг йиллик асосий меҳнат таътилининг муддатини, меҳнат стажини ҳисоблашни ҳамда бошқа меҳнат ҳуқуқларини бирон бир тарзда чеклашга асос бўлмайди ва ишланган вақтга мутаносиб равишда ҳақ тўланади.

ёрдамчи ходимларни дам олиш ва байрам кунларида ишга жалб этиш тақиқланади, айрим ҳолларда ходимнинг розилиги билан жалб этилиши мумкин.

16. Махсус унвонга эга бўлган ходимларга кучайтирилган ва суткалик иш режимини жорий этиш ҳамда бекор қилиш, божхона органлари ходимларини ҳарбий ҳаракатларда иштирок этишга жалб қилиш ДБҚ Раиси буйруғи билан амалга оширилади.

махсус унвонга эга бўлган ходимларга таътилни ўтказиш жойига бориш ва қайтиш учун зарур бўлган, бироқ уч кундан ошмайдиган вақт қўшилган ҳолда давомийлиги ўттиз календарь кун бўлган ҳақ тўланадиган ҳар йилги таътил берилади.

махсус унвонга эга бўлган ходимларга қуйидаги календарь ҳисобдаги хизмат даври учун:

ўн йиллик хизматдан сўнг - давомийлиги беш кун;

ўн беш йиллик хизматдан сўнг - давомийлиги ўн кун;

йигирма йиллик хизматдан сўнг - давомийлиги ўн беш кун бўлган, ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади.

17. Ёрдамчи ходимларга асосий меҳнат таътили муддати 15 иш кунидан кам бўлмайди, йиллик қўшимча меҳнат таътиллари жамоа шартномасида белгиланган муддатларга мувофиқ берилади.

18. Ходимларга қуйидаги ҳолларда иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча дам олиш куни берилади:

фарзанд туғилганида отага - икки иш куни;

оила қуриш муносабати билан - уч иш куни;

фарзандини уйлантириш (турмушга бериш) муносабати билан - уч иш куни;

якин қариндошларининг дафн маросимига - икки иш куни.

Якин қариндошлар деб - ходимнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари, фарзандлари, эри (хотини), шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ҳисобланадилар.

19. Ёрдамчи ходимнинг аризасига биноан унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин. Унинг муддати ёрдамчи ходим билан Иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади, лекин у ўн икки ойлик давр мобайнида жами уч ойдан ортиқ бўлмаслиги керак.

20. Қуйидаги ёрдамчи ходимларга уларнинг хоҳишига кўра, иш ҳақи сақланмаган ҳолда муқаррар тартибда таътил берилади:

уруш қатнашчилари ва имтиёзлари жиҳатидан уларга тенглаштирилган шахсларга - ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар;

ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига - ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар;

икки ёшдан уч ёшгача бўлган болани парвариш қилаётган аёлларга (Меҳнат кодексининг 234-моддасига асосан);

ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга, ҳар йили ўн тўрт календарь кундан кам бўлмаган (Меҳнат кодексининг 232-моддасига асосан).

Бундан ташқари, бетоб якин қариндошларини яқка ўзи парваришлаётган шахсларга, уларнинг илтимосига кўра муддати ходим билан Иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади.

21. Иш вақтининг ҳафтасига 36 соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати меҳнат жараёнида соғлиғига физикавий, кимёвий, биологик ва ишлаб чиқаришнинг бошқа зарарли омиллари таъсир этадиган ходимлар учун белгиланади ҳамда ноқулай меҳнат шароитида ишлаганликлари учун йиллик қўшимча таътил берилади.

22. Барча тоифадаги ходимларга асосий йиллик меҳнат таътили жамоа шартномасида белгиланган муддатларга мувофиқ берилади.

Ходимларга йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берувчи иш стажини Меҳнат кодексининг 142-моддасида кўрсатилган даврлар, шунингдек унга қўшимча равишда иш йили давомида иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган бир ойгача бўлган таътил даври ҳам қўшилади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 144-моддасида кўрсатиб ўтилган ходимлар тоифаларидан ташқари қўйдаги ходимларга меҳнат таътили уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилади:

- Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 мартдаги 153-сон қарори билан тасдиқланган Ижтимоий аҳамиятли касалликлар рўйхатига асосан ижтимоий аҳамиятга молик касалликлар бўйича ҳисобда турган ходимларга:

- бетоб оила аъзосини парваришлаётган ходимларга;

- ишлаётган пенсионерларга.

23. Хизмат сафари давридаги харажатлар ДБҚ томонидан қонун ҳужжатларида белгиланганидан кам бўлмаган миқдорда тўланади.

Меҳнат кодексининг 172-моддасида кўзда тутилган тартибда, ходим агарда ДБҚнинг таклифига кўра бошқа жойдаги ишга кўчиб борганда қуйидагилар тўланиши лозим:

- кўчиш ва мол-мулкни кўчириб бориш билан боғлиқ харажатлар;

- янги жойда ўрнашиб олиш билан боғлиқ харажатлар;

- ходим томонидан ДБҚ билан келишиб қилинган бошқа харажатлар.

24. Иш берувчининг розилиги билан ва унинг манфаатлари йўлида ходим ўзига тегишли мол-мулкдан фойдаланганда Иш берувчи ҳисобидан тўланади.

IV. МЕХНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ, КАФОЛАТЛИ ТЎЛОВЛАР ВА КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИ

25. Ёрдамчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Ягона тариф сеткасига кўра амалга оширилади. Ягона тариф сеткаси бошланғич разряди сифатида биринчи разряд белгиланади ва амалдаги тариф коэффициентлари, шунингдек тариф ставкаларини энг кам иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда белгилаш тартиби сақлаб қолинади.

Иш ҳақининг кафолатланган энг кам миқдорига оғишмай риоя қилиниши таъминланади.

Ходимларнинг лавозим маошлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги Фармониغا асосан, ДБҚ Раиси буйруғига мувофиқ белгиланган тартибда ошириб борилади.

26. Ёрдамчи ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш муддатлари жамоа шартномасида белгиланади.

27. Жамоа шарномалари ва келишувларида иш ҳақи Иш берувчининг айби билан ўз вақтида тўланмаганлиги учун жавобгарлиги назарда тутилади.

28. ДБҚ ходимларнинг ташаббускорлик билан ва юқори самарали меҳнат қилишларини рағбатлантириш мақсадида устама ҳақ белгилаши мумкин. Ходимларга устама ҳақ, мукофот, рағбатлантириш миқдорлари ва шахсий устама ҳақлари ДБҚ томонидан тизимдаги тегишли идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан белгиланади.

29. Ёрдамчи ходимларни моддий рағбатлантириш Касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда ДБҚ томонидан тасдиқланган ички идоравий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

30. Ёрдамчи ходим тизимда бир лавозимдан бошқа лавозимга ўтганда устама ҳақи қайта кўриб чиқилади. Топширилган вазифалар ўз вақтида бажарилмаса, иш сифати ёмонлашса меҳнат интизомига риоя қилинмаса, лавозим маошларига бериладиган устама ҳақ Иш берувчининг буйруғи билан бекор қилиниши ёки уларнинг миқдори камайтирилиши мумкин.

31. Ёрдамчи ходим Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги 297-сон қарори талабларига асосан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган қўшма қарорига асосан бир неча касб(лавозим)да ишлаганлиги, хизмат кўрсатиш доираси кенгайганлиги, бажариладиган ишлар ҳажми ортганлиги, ўзининг асосий иши билан бир қатор ишда вақтинча бўлмаган ходимнинг вазифаларини бажарганлиги учун, шунингдек ўриндошлик асосида иш бажарганида (ходим ўзининг асосий ишидан бўш вақтида меҳнат шартномаси асосида бошқа ҳақ тўланадиган иш бажарганида), ходимнинг меҳнат ҳақи миқдори меҳнат шартномаси тарафлари ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

32. Ходимларга хизмат сафаридаги кунлик харажатлари ДБҚ томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаганидан кам бўлмаган миқдорда тўланади.

33. ДБҚ тизимида ходимларни қуйидагича мукофотлаш турлари қўлланилиши мумкин:

ойлик, чорак ва ҳисобот даври якунлари бўйича;

хар йили куз мавсумида кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш учун;

касб байрамлари муносабати билан;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 131-моддасида назарда тутилган байрамлар муносабати билан.

34. Иш натижаларига кўра мукофот миқдорини белгилаш ёки уни камайтириш учун асос сифатида ДБҚ таркибий тузилмаларининг иш фаолияти натижалари ва молиявий кўрсаткичлари инобатга олинади.

35. Иш натижаларига кўра мукофот ҳақиқатда ишланган вақт учун тўланади.

36. Синов муддати билан хизматга қабул қилинган ходимларга синов муддати давомида ишчанлик қобилияти, билим савияси ва бошқа ҳолатлар инобатга олинган ҳолда иш натижаларига кўра мукофот тўланиши мумкин.

37. Ўриндошлик асосида ишлаган ёрдамчи ходимларга иш натижаларига кўра мукофот ишлаган вақтига мутаносиб равишда тўланади.

38. ДБҚнинг ички молиявий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, ходимларга қуйидаги моддий ёрдамлар берилиши мумкин:

ходимлар бир ойдан ортиқ касал бўлганда, даволаниш учун пуллик даволаш муассасалари томонидан тақдим этилган тасдиқловчи ҳужжатларга асосан кўрсатилган хизматлар (диагностика, даволаш, протезлаш, операция ва ҳ.к.) харажатларини қоплаш учун;

биринчи марта оила қуриш вақтида;

фарзандли бўлган вақтида;

фарзандини тўйида;

бошланғич синфда ўқийдиган фарзандларига ўқув қуроли олиб беришда;

фарзандларни спорт секцияларига бериш харажатларини қоплашда;

ўзи ёки яқин қариндошларидан бири вафот этганда;

пенсияга чиқиш вақтида;

хизматни бажариш билан боғлиқ тан жароҳати олганда;

фавқулодда вазиятлар (бахтсиз ҳодисалар) юз берганда;

шунингдек, Давлат божхона қўмитасида хизматни ўташни тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ёки ички идоравий ҳужжатларда белгиланган тартибда (махсус унвонга эга ходимлар учун).

39. Иш натижаларига кўра мукофотни ҳисоблаш учун ҳақиқатда ишлаган иш вақти деб иш ҳақи ҳисобланган вақт ҳисобга олинади.

40. Қуйидаги вақтлар мукофот ҳисоблаш вақтига киритилмайди:

олий ўқув юртларининг сиртқи бўлимларида таълим олиш учун бериладиган таътил вақти;

иш ҳақи сақланмаган ҳолда меҳнат таътилида бўлган вақт;

ходимнинг ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари ҳамда бола парвариш таътили даври.

41. Иш натижаларига кўра ҳар бир ходим мукофотининг муайян миқдори ходимнинг иш сифати, унинг самарадорлиги, меҳнат мажбуриятларини ишдан ташқари вақтда бажаришга жалб этилиши ҳамда таркибий тузилма умумий иш натижаларига қўшган ҳиссасини тасдиқловчи бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда, ДБҚ таркибий тузилмалари раҳбари томонидан тавсия этилади.

42. Иш фаолиятида меҳнат интизомига риоя қилмаган ва ички меҳнат тартиби қоидаларини бузган ходимларга иш натижаларига кўра (ойлик, чорак ва ҳисобот даври яқунлари бўйича) мукофот пули қисман камайтирилиши ёки тўлиқ маҳрум этилиши мумкин.

Бола парваришlash таътилида ҳамда ишдан ажралган ҳолда ўқиётган ходимларга байрам мукофотлар тўланмайди.

43. ДБК тизимида хизмат қилиб келаётган ходимларни мукофотlash ва йиллик якуний натижаларида моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида, тизимда йиллик иш якунлари бўйича мукофот тўланиши мумкин.

44. Йиллик иш якунлари бўйича мукофот ушбу мақсадлар учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан, тегишли идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан тўланиши мумкин.

45. ДБК тизим ходимларига йиллик иш якунлари бўйича мукофот тўлаш ходимларнинг лавозимидан қатъий назар амалга оширилади.

46. Ходимлар пенсияга чиқаётганларида, уларнинг ёш мутахассисларни тарбияlashда, тизимдаги самарали меҳнатини инобатга олиб, буйруқ асосида рағбатлантирилиши мумкин.

47. ДБКнинг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб, юбилей ёши (50, 55, 60 ёш) муносабати билан ходимнинг тизимни ривожлантиришда қўшган хиссасини инобатга олиб, Касаба уюшма кўмитаси билан келишилган ҳолда, ДБК томонидан буйруқ асосида рағбатлантирилиши мумкин.

48. Ёрдамчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш шакллари, тизими ва миқдори, пул мукофотлари, нафақалар, компенсациялар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарздаги тўловлар ва уларни тўлаш шартлари жамоа шартномасида белгилаб қўйилади.

49. Иш вазифасини бажараётган пайтда ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги учун ёки унинг вафоти сабабли компенсациялар ДБК томонидан тегишли конун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда амалга оширади.

50. Иш берувчи томонидан вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича ёрдамчи ходимларга нафақалар:

1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларидан бўлган ходимларга, байналмилалчи жангчиларга ва уларга тенглаштирилган шахсларга, қарамоғида 16 ёшга (ўқувчилар учун - 18 ёшга) тўлмаган уч нафар ва ундан кўп фарзанди бўлган ходимларга, Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда қатнашган ходимларга, Чернобиль АЭСдаги авария натижасида радиоактив ифлосланиш зонасидан эвакуация қилинган ва кўчирилган қон ҳосил қилувчи органлар касалликлари (ўткир лейкоз), қалқонсимон без (аденома, рак) ва хавфли ўсмалар билан боғлиқ касалликларга чалинган ходимларга, ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги ногирон ходимларга, шунингдек ходим ишда шикастланиш ва касб касалликлари оқибатида вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотганда ойлик иш ҳакининг тўлиқ миқдорида;

ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар (сил касаллиги, онкология касалликлари, янгидан пайдо бўладиган хатарли ўсимталар, жинсий йўл билан ўтадиган касалликлар, ОИТС, мохов (лепра) касаллиги, рухий касалликлар) бўйича ҳисобда турган ходимларга улар томонидан давлат ижтимоий суғурта бадали тўлаган даврининг (умумий иш стажининг) давомийлигига боғлиқ равишда қуйидаги миқдорларда тўланади:

а) умумий иш стажи 8 йил ва ундан ортиқ бўлган ходимларга иш ҳакининг 100 фоизи миқдорида;

б) умумий иш стажи 5 йилдан 8 йилгача бўлган ходимларга иш ҳакининг 80 фоизи миқдорида;

в) умумий иш стажи 5 йилгача бўлган ходимларга иш ҳакининг 60 фоизи

миқдорида;

мазкур банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган ходимлардан ташқари қолган ходимларга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа қуйидаги миқдорларда тўланади:

а) умумий иш стажи 8 йил ва ундан ортиқ бўлган ходимларга ҳамда 21 ёшга етмаган чин (сағир) етимларга иш ҳақининг 80 фоизи миқдорида;

б) умумий иш стажи 8 йилгача бўлган ходимларга иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида, қолган ҳолларда, умумий иш стажига қараб ойлик иш ҳақининг 60 фоиз миқдорда тўланади.

51. Ўзбекистон Республикасининг «Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, ходимнинг ёки унинг қарамоғидаги оила аъзосининг вафоти сабабли ДБҚ томонидан ходимга ёки унинг оила аъзоларига дафн этиш харажатларини қоплаш учун белгиланган тартибда нафақа берилади.

52. Ходимлар хизмат фаолиятида юқори натижаларга эришганлик, мажбуриятларини намунали тарзда бажарганлик, бенуқсон хизмат қилганлик ва божхона органлари тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришга катта ҳисса қўшганлик, хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва жасорат кўрсатганлик, шунингдек бошқа алоҳида хизматлари учун ходимлар Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ДБҚ томонидан таъсис этиладиган фарқловчи идоравий белгилар билан тақдирланишга тақдим этилиши мумкин.

53. ДБҚ ва унинг таркибидаги муассасаларда ишлаётган аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари бўйича тўловларни тўлашни кафолатлайди.

V. МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ

54. Махсус унвонга эга бўлган ходимлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги ПҚ 3665-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органларида хизматни ўташ тўғрисида»ги Низом ва «Божхона органларининг Интизомий устави» талабларига ҳамда лавозим йўриқномаларига қатъий риоя қилган хизмат олиб борадилар.

55. Ёрдамчи ходимлар меҳнат қонунчилиги, меҳнат шартномасига ва ички меҳнат тартибига риоя қилган ҳолда ўз вазифаларини бажарадилар.

56. Ёрдамчи ходимлар меҳнат интизомини бузганлик учун (Меҳнат Кодексининг 100-модда иккинчи қисмининг 3- ва 4-бандлари) меҳнат шартномасини ДБҚ томонидан бекор қилишга интизомий жазоларни қўлланиш учун белгиланган муддатлар (Меҳнат кодексининг 182-моддаси) ўтиб кетгандан кейин йўл қўйилмайди.

57. Интизомий жазо амал қилиб турган муддат мобайнида (Меҳнат кодексининг 183-моддаси) ходимларга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланилмайди.

Рағбатлантириш турлари: ташаккурнома эълон қилиш, қимматбаҳо совғалар билан ва фахрий ёрлик билан тақдирлаш, ДБҚ тизимида турли номинациялар бўйича унвонлар бериш, давлат ва тармоқ мукофотларига тавсия этиш.

Интизомий жазо қўлланилишидан аввал ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозим.

VI. ЖАМОАВИЙ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

58. Келишувчи Тарафлар, ижтимоий шериклик принципларини тан олган ҳолда, тармоқ Келишувини бажарилишида юзага келган ҳар қандай низоларни олдини

олиш чораларини кўришни ўз зиммасига оладилар. Бахслашувлар ўзаро ишонч ва ҳурмат билан, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосида ҳал этилади.

59. Жамоаларга доир меҳнат низолари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

60. Меҳнат қонунчилиги бузилишига йўл қўйган мансабдор шахслар томонидан мазкур қонун бузилиши бартараф этилмаган ҳолларда, суд органларига мурожаат қилишдан олдин, ходимлар меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари Тарафларнинг ижтимоий шериклиги ва ўзаро мулоқоти асосида кўриб чиқирилиши ташкил этилади.

61. ДБК тизимда меҳнатга оид қонун ҳужжатлари бузилишини олдини олиш бўйича Тарафларнинг тизимли ҳамкорлиги йўлга қўйилади.

VII. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

62. ДБК Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни негизида тизимда меҳнат муҳофазасини ташкил этиш чоратadbирларини ишлаб чиқиш ва молиявий таъминлаш мажбуриятини олади.

ДБК амалдаги қонунчиликка, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ва меҳнат стандартларга мувофиқ, ходимларга хавфсиз ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитларини яратиб беришга масъулдирлар.

63. Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсат қарори билан тасдиқланган “Меҳнатни муҳофаза қилиш тadbирларни режалаштириш бўйича тавсиялар”га риоя этган ҳолда, жамоа шартномаларида меҳнат муҳофазаси бўйича Битим тузилишини, Битимда кўзда тутилган тadbирларга керакли миқдорда маблағлар ажратилишини ҳамда уларнинг мақсадли сарфланишини таъминлайди.

64. Ходимларни меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитиш ва билимларини текшириш тўғрисидаги намунавий Низоми (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1996 йил 14 августда 272-рақам билан рўйхатга олинган) ҳамда Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қайта тайёрлаш ва малака ошириш тартиби тўғрисидаги Низоми (Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 апрелдаги 246-сон қарорига 3-илова) талабларига биноан ходимларни меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитади ҳамда билимларини синовдан ўтказиш ишларини ташкил этади.

65. Барча янги ишга қираётган, шунингдек бошқа ишга ўтказилаётган ходимлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар берилиши, ишларни бажаришнинг хавфсиз услублари ва усулларини ўқитиш ишларини ташкил этади.

66. ДБК томонидан меҳнат шароитлари тўғрисида, шу жумладан, касб касалликлари ва бошқа касаллиқлар хавфи мавжудлиги, муайян иш ўринлари ҳолати ҳақида, шунингдек шу муносабат билан ходимларга берилиши лозим бўлган имтиёзлар ва компенсациялар тўғрисида ходимларни ўз вақтида хабардор қилади.

67. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари белгиланган тартибда текширувдан ўтказилиши, шунингдек жабрланувчиларга компенсациялар тўланади.

68. ДБК ходимларни ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтказиши, ишчи ходимлар меҳнат шароитларидан келиб чиқиб, махсус кийим бош, пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари, ювиш ва дезинфекциялаш воситалари билан таъминлайди.

69. Бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналардан фойдаланиш, технологик жараёнларни амалга ошириш чоғида, шунингдек ишлаб чиқаришда хом ашё ва материалларни қўллаш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш чоғида ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

70. Иш берувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 ноябрдаги 245-сонли Қарори билан тасдиқланган “Қорхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом”га асосан Меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармасини тузади ҳамда махкур жамғармани ходимларнинг меҳнат шaroитларини яхшилаш ва муҳофаза қилишга йўналтирилган чора-тадбирларни молиялаштиришга сарфлайди.

71. Иш берувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги 263-сонли Қарори билан тасдиқланган «Иш ўринларини меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом»га мувофиқ иш жойларини аттестация ўтказди.

72. Меҳнат хавфсизлиги қондаси бузилганда ходим ишни тўхтатишга ҳақли. Бундай ҳолатлар ходимларнинг айбисиз юз берганда уларга ўртача иш ҳақи сакланиб қолинади.

73. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1995 йил 18 декабрда 196 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган “Меҳнат муҳофазаси бўйича вакил ҳақида”ги Низомга кўра меҳнат муҳофазаси бўйича сайланган вакилларнинг ўқишини ташкил қилади.

74. Иш берувчи касаба уюшмаси билан келишган ҳолда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакилларини маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантириб боради.

75. Тарафлар ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган кафолатларига риоя этиш ва имтиёзлар берилишини таъминлайди.

76. “Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танлови”да иштирок этади.

VIII. ИЖТИМОЙ КАФОЛАТЛАР, ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

77. Ходимларнинг маданий ҳордик чиқариши, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишига шaroит яратилади.

78. Ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, хавфсиз ва қулай меҳнат шaroитлари яратиб бериш мақсадида, Тарафлар ўз зиммаларига ижтимоий йўналтирилган Давлат дастурларини амалга ошириш ишларида фаол иштирок этиш, кам таъминланган ва кўп болали оилаларни, ишлаётган оналарни ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлашнинг қонун ҳужжатларида кўзда тутилган чораларини амалга оширилишини таъминлаб бориш мажбуриятларини оладилар.

79. Иш берувчининг айби билан меҳнатда майиб бўлган жабрланувчилар-ногиронларни, кам таъминланган кўп болали ҳамда етим боласи бор оилаларни, узок муддат ишлаган, айна вақтда қаровсиз, ёлғиз қарияларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга моддий ва амалий ёрдам кўрсатилади.

80. Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини (ота-онасини, турмуш ўртоғи ва фарзандларини) соғломлаштириш ҳамда дам олиши учун йўлланмалар божхона органлари тизимидаги бошланғич касаба уюшма қўмиталари томонидан бериладиган буюртмалар асосида, улар томонидан тўланган ягона ижтимоий тўловлардан ва касаба уюшмалари аъзолик бадалларидан тушган маблағларнинг соғломлаштиришга ажратилган миқдорига мувофиқ равишда берилади.

81. Ходимлар ва уларнинг оила аъзолари Ўзбекистон Республикаси санаторий-курорт муассасаларида ва болалар оромгоҳларида соғломлаштириш ҳамда дам олиши учун йўлланмаларни амалдаги тартибда касаба уюшмаси томонидан қопланади.

82. Кўп йиллар давомида тизимда фаолият юритган ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронлар учун имтиёзли йўлланмалар ажратилиши мумкин.

IX. АЁЛЛАР МЕХНАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ. АЁЛЛАРГА ВА ОИЛАВИЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ БИЛАН МАШҒУЛ ШАХСЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ВА КАФОЛАТЛАР

83. Тарафлар аёллар ва ёшлар учун Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган кафолатларга риоя этишни ва имтиёзлар беришни ўз зиммасига оладилар.

84. Тарафлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида кўзда тутилган қуйидаги кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар:

а) ҳомиладор аёллар учун (Меҳнат кодексининг 78, 84, 143, 224, 228, 229, 231, 233, 237-моддалари);

б) икки ёшга тўлмаган боласи бор аёллар учун (Меҳнат кодексининг 143, 227, 234, 236-моддалари);

в) уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар учун (Меҳнат кодексининг 78, 84, 150, 224, 228, 228, 234, 237-моддалари);

г) ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёллар учун (Меҳнат кодексининг 150, 232-моддалари);

д) ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани тарбиялаётган ота-онанинг бири (васий, ҳомий) учун (Меҳнат кодексининг 230-моддаси);

е) ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёллари учун (Меҳнат кодексининг 68, 144, 228, 229-моддалари);

ж) онасиз болаларни тарбиялаётган шахслар учун (Меҳнат кодексининг 235, 238-моддалари).

з) ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари кунини узайтириш.

85. Иш берувчининг мажбуриятлари:

аёлларга малака ошириш ва қўшимча маълумот олиш ҳуқуқидан фойдаланиш учун имкониятлар яратиб бериш;

тиббий ҳулосага мувофиқ ҳомиладор аёлларга енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан ҳоли бўлган иш ўринлари ажратиш;

ҳомиладор аёлларни тиббий кўрикдан ўтишлари учун, уларнинг ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этиш, агар мазкур кўрикни ишдан ташқари вақтда ўтказиш имконияти бўлмаса.

86. Касаба уюшма кўмитаси аёллар меҳнат шароитларини яхшилашга кўмаклашишни ўз зиммасига олади, аёллар меҳнати ва соғлиғи муҳофазаси бўйича кўмитанинг ижтимоий дастури бажарилишида Иш берувчи га яқиндан ёрдам беради.

X. ЁШЛАР УЧУН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР

87. Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг иш юритувида ҳамда ривожланишида ёш мутахассислар иштироки самарасини янада ошириш ҳамда ёшларнинг ижтимоий ҳимоя масаласи ечимини топиш мақсадида Тарафлар қуйидагиларга келишиб олдилар:

Халқаро меҳнат ташкилотининг “Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги 138-сонли ва “Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисида”ги Конвенцияларига биноан ишга қабул қилиш учун энг кичик ёшга риоя этиш ҳамда болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган иш олиб бориш;

ёшлар билан ишлаш комиссияларни тузиш;

ёшлар билан ишлаш бўйича комплекс дастур ва уни амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш;

ёш ходимлар, мутахассислар ва бошқалар ўртасида касб маҳорати бўйича танловлар ўтказиш;

ёш оилалар аъзолари бўлган ходимларга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш.

88. Тарафлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида кўзда тутилган қуйидаги кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар:

а) ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар учун (Меҳнат кодексининг 116, 135, 143, 144, 202, 203, 214, 239, 240, 241, 242, 243, 244, 245, 246- моддалар);

б) ишни таълим билан бирга қўшиб олиб бораётган ходимлар учун (Меҳнат кодексининг 103, 143, 144, 249, 250, 254, 255, 256, 257-моддалар);

в) таълим муассасаларини битирган ходимлар учун (Меҳнат кодексининг 68, 103-моддалар).

Иш берувчи мажбуриятлари:

ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллار ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида қўшимча имтиёзлар бериш;

касб-ҳунар таълими муассасаларида ёш мутахассисларни тайёрлаш, уларни ДБК фаолиятига жалб этиш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган иш олиб бориш.

Божхона органлари тизимда Устоз-шогирд тизимини аҳамиятини ошириш, ривожлантириш ҳамда намунали хизмати билан ўрнатилган Устоз ходимларни рағбатлантириб бориш.

Узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш ва уй жой қурилиши учун ходимларга фойизсиз ссудалар бериш.

Таълим муассасаларида ишдан ажралмаган ҳолда ўқиб ўқув режасини бажараётган ходимларга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида белгиланган имтиёзлар татбиқ этилади.

89. Касаба уюшма қўмитаси мажбуриятлари:

а) ёш ходимларнинг ижтимоий ҳуқуқлари ва кафолатларини ҳимоя қилиш ишларини янада такомиллаштириш мақсадида мавжуд норматив-ҳуқуқий базадан фойдаланиш;

б) ёш йигит-қизларни касаба уюшмалари фаолиятига жалб этиш ишларини олиб бориш;

в) ёш ходимларни тарбиялаш бўйича тизимда ташкил этилган марифат дарсларига республикадаги тегишли муассасаларидан ўз соҳасининг мутахассислари ва зиёли маърузачиларни жалб этилишида кўмак бериш;

г) ишга қабул қилинган касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилишини, улар жамоа шартномалари билан таништирилишини таъминлаш;

д) янги ишга қабул қилинган ёшларнинг иш жойларида қўнимлигини таъминлаш бўйича иш олиб бориш.

XI. МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ИШЛАРИ, СОҒЛОМЛАШТИРИШ

90. Мазкур масалаларда Тарафлар куйидагиларни ўз зиммаларига оладилар:
хар бир ташкилотда “Маънавият ва маърифат хонаси”ни ташкил этиш ва уни мустақиллик йилларида чоп этилган замонавий адабиётлар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясини акс эттирадиган плакатлар, стендлар билан таъминлаш. ДБКнинг тасарруфида бўлган кутубхоналарни ташкилот ҳисобидан янада ривожлантириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жорий ва капитал таъмирлаш ишларини ўтказиш, жиҳозларни янгилаб бориш;

ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида бадиий хаваскорликни ривожлантириб боришни хар тарафлама қўллаб қувватлаш, уларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказишлари учун тарихий ёдгорликларга бой бўлган республикаимизнинг ҳудудларига саёҳатлар уюштириш;

умумхалқ байрамларини нишонлаш кунларида касб маҳорати ҳамда бадиий хаваскорлик йўналишлари бўйича турли мусобақалар, кўрик танловларини ташкил этиш.

91. ДБК томонидан режа асосида ходимларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини ошириб бориш ташкил этилади.

92. ДБК ходимларни қайта ўқитиш ва малакасини ошириш ишларини ташкил этади.

93. Ходимлар, айниқса ёшларни маънавий-маърифий, гоёвий-мафкуравий дунёқарашини янада ошириш, сиёсий ва ҳуқуқий билимини ривожлантириш, интеллектуал салоҳиятини такомиллаштириш мақсадида, турли соҳа вакилларини жалб этган ҳолда давра суҳбатлари, маънавий-маърифий тадбирлар, хар ҳафтада 1 марта “Маънавият соатлари”ни ўтказиб борилади.

94. Ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, дам олдириш билан боғлиқ тадбирлар Кенгаш кўмагида ташкил этилади.

95. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун моддий ва бошқа шароитлар яратиб берилади.

96. Касб байрамлари муносабати билан бошланғич Касаба уюшмаси кўмитаси тавсияси асосида Кенгаши томондан ходимларни рағбатлантириш;

97. Иш берувчи касаба уюшмаси билан ҳамкорликда, ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун соғломлаштириш, хордиқ чиқариш (санаторийлар, дам олиш уйлари ва болалар соғломлаштириш оромгоҳларида), маънавий-маърифий ва спорт тадбирларини амалга ошириш, янги йил байрамлари муносабати билан ходимлар фарзандларига совғалар харид қилиш ишларини амалга оширадилар.

98. Иш берувчи ўз балансида бўлган спорт иншоотлари, стадионлар, майдончаларнинг, болалар соғламлаштириш оромгоҳлари, соғломлаштириш муассасаларининг фаолиятини янада ривожлантириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жорий ва капитал таъмирлаш, спорт инвентарлари ва жиҳозларни янгилаш ҳамда зарур шарт-шароитларни яратиш учун маблағ ажратиб боради.

XII. КЕНГАШНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

99. Кенгаш мажбуриятлари куйидагиларни ўз ичига олади:
ходимларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш;

ходимларнинг иш шароитларини, уларни соғломлаштиришга оид масалаларни кўриб чиқиш ҳамда бу борадаги масалаларни ДБК билан биргаликда ҳал этишни таъминлаш;

ходимлар ва уларнинг ота-онаси, фарзандларини соғломлаштириш масканларига ҳамда оромгоҳларга боришлари учун йўлланма билан таъминлаш.

100. Ходимларнинг мурожаатларини кўриб чиқиб, улар юзасидан қонунларга мувофиқ тегишли жавоб беради.

101. Касаба уюшмаси фаолларини касаба уюшмаси фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича ўқитишни ўз зиммаларига оладилар.

ХIII. КАСАБА УЮШМАСИ ОРГАНЛАРИНИ ВА УНИНГ ФАОЛЛАРИ ҲУҚУҚЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ

102. Иш берувчининг бурчлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

Касаба уюшмаси ташкилотларига “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ ва ўз Уставида белгиланган вазифаларини ДБК ва унинг таркибий тузилмаларида амалга оширилишига кўмаклашиш;

Иш берувчи қонун ҳужжатлари бузилишларини бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномаларни кўриб чиқиш натижалари ҳақида касаба уюшмасига қонун ҳужжатларида белгиланган муддат хабар бериш; (*Ўзбекистон Республикаси «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 11-моддаси*).

Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва ушбу Келишувда белгиланган талабларнинг ижросини текшириш учун касаба уюшмаси вакилларини уюшма аъзолари ишлаётган ташкилотларга киришига амалий ёрдам кўрсатиш;

Касаба уюшмаси органининг фаолияти учун алоҳида хона, зарур жиҳоз ва канцелярия товарлари, зарур ҳолларда транспорт, шунингдек керакли бўлган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва маълумотларни бепул бериш;

Касаба уюшмасининг қонуний ҳуқуқларига риоя этиш, уларнинг қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда тузулиш ва фаолият юритишини таъминлаш.

103. Касаба уюшмасининг сайлаб қўйилган органлари аъзоларига ўзларининг вакиллик фаолиятларини амалга оширишлари муносабати билан Иш берувчи томонидан бирор бир шаклдаги тазйиқ ўтказишдан ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

104. Касаба уюшмасининг сайлаб қўйилган органлари сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган ходимларга интизомий жазо беришга, улар билан тузилган меҳнат шартномасини Иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, шунингдек вакиллик органлари таркибига сайланган ходимлар билан меҳнатга оид муносабатларни уларнинг сайлаб қўйиладиган лавозимдаги ваколати тугаганидан кейин икки йил давомида Иш берувчининг ташаббуси билан маҳаллий меҳнат органининг олдиндан розилигини олмай туриб бекор қилишга йўл қўйилмайди (махсус унвонга эга бўлган ходимлар бундан мустасно).

105. Касаба уюшмасининг сайлаб қўйилган органлари лавозимларга сайлангани муносабати билан ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилган ходимларга уларнинг сайлаб қўйиладиган лавозимдаги ваколати тугаганидан кейин аввалги иши (лавозими) берилади, бундай иш (лавозим) мавжуд бўлмаса - аввалгисига тенг бошқа иш (лавозим) берилади.

106. Касаба уюшмасининг сайлаб қўйилган органлари таркибига сайланган ходимлар қонунларда, мазкур Келишувда ва жамоа шартномаларида назарда тутилган имтиёзлардан фойдаланадилар.

107. ДБК ва унинг таркибий тузилмаларини бошқаришда меҳнат жамоалари аъзоларининг иштирокини таъминлаш учун, уларнинг маслаҳат-кенгаш, бошқарув органлари, комиссиялари таркибига амалдаги қонунчилик доирасида бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари раҳбарлари киритилади.

108. Долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни муҳокама қилиш учун касаба уюшмалари фаоллари давлат органлари ва бошқа идоралар вакиллари билан давра суҳбатлари ташкил этиб борилади.

109. Бошланғич Касаба уюшмаси қарорларини таъминлаш мақсадида, бошланғич Касаба уюшмалари раисларини бошқарув органининг хайъати ёки кенгаши таркибига киритилади.

110. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар, меҳнат низолари комиссияларининг аъзолари меҳнаткашлар вакиллари деб эътироф этилиб, Халқаро меҳнат ташкилотининг 135-Конвенцияси муҳофазаси остига олинганлар, ўз фаолиятларини амалга ошириш учун ҳақ тўланадиган иш вақтидан фойдаланиш ҳуқуқига эгалар, шунингдек, уларга интизомий жазо чоралари қўллашда ва Иш берувчи ташаббуси билан ишдан бўшатилишида Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексининг 25-моддасига асосан тегишли қўшимча қафолатлар татбиқ қилинади.

111. Касаба уюшмалари аниқлаган қонунбузарликлар мансабдор шахслар томонидан бартараф этилмаган ҳолатларда, ташкилот раҳбарияти билан ижтимоий шериклик ва мулоқот асосида ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини судгача ҳимоя қилиш чораларини қўради.

112. Халқаро меҳнат ташкилотининг “Бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 87-сонли Конвенциясига мувофиқ тизим ташкилотларида ходимлар вакилларининг эркин фаолият кўрсатиши учун зарур шароитларни яратиб беришга қўмаклашади

XIV. КЕЛИШУВНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ, УНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМИ ВА БАЖАРИЛИШИ УЧУН ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

113. Келишув тарафлар имзолаган вақтдан бошлаб кучга кириб ва уч йил (2020 йил 31 декабргача) давомида янгиси тузилмагунча амал қилади. Шу вақт давомида унга қўшимча ва ўзгартиш киритишга тарафларнинг келишуви асосида йўл қўйилади. Қўшимча ва ўзгартишлар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида билдириш рўйхатидан ўтказилади.

114. Тарафлар мулкдори алмашганда, қайта ташкил этилганда, номи ўзгарганда Келишув ўз кучини саклаб қолади.

115. Ушбу Келишув ДБК ва Кенгаш ўртасида имзоланганидан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига билдириш рўйхатидан ўтказиш учун 7 кунлик муддат ичида тақдим этилади.

116. ДБК Келишув Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигидан билдириш рўйхатидан ўтказилганидан сўнг икки ҳафта ичида унинг нусхасини барча таркибий тузилмаларга жамоа шартномаларини мувофиқлаштириш мақсадида жўнатади.

117. Иш берувчи томонидан Тармоқ келишувини тегишли йилнинг январь ойидан, тизимдаги бўлинмаларда янги жамоа шартномаларини тузиш ёки мавжуд жамоа шартномаларига ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш март ойидан кечиктирмай амалга оширилади.

118. Тарафлар мазкур Келишув ва жамоа шартномаларини бажариш яқунларини меҳнат жамоалари умумий йиғилиш (конференция)ларида тегишли йилнинг 1 апрелидан кечиктирмасдан кўриб чиқилишини таъминлайдилар.

119. Тарафлар ушбу Келишувга асосан ўз зиммаларига олган мажбуриятларининг бажарилиши ҳақида бир-бирларига йилда бир мартаба ахборот берадилар.

120. Бошланғич касаба уюшмаси қўмиталари ўз аъзоларга ҳар олти ойда ҳисобот бериб борадилар.




121. Ушбу Келишувнинг ижросини назорат қилиш учун Тарафлар вакилларида иборат комиссия тузилади (комиссия рўйхати илова қилинади). Келишув шартларини бажарилиши бўйича текшириш олиб бориш вақтида тарафлар ўзларидаги бунинг учун зарур бўлган барча маълумотларни тақдим этадилар.

122. Келишув талаблари бажарилмагани аниқланган тақдирда уни имзолаган шахсларга ёзма равишда маълумотлар тақдим этилади. Ёзма равишда киритилган маълумотлар комиссия томонидан 7 кун ичида муҳокама этилиб, сўнгра тегишли қарор қабул қилинади.

123. Ушбу Келишув уч нусхада тузилган бўлиб, ДБК, Кенгаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига бир нусхадан берилади ва унинг шартлари ўзаро ёзма розиликсиз ошқор қилинмаслиги лозим.

124. Ушбу Келишувдан фақат хизмат доирасида фойдаланилади.

**Тармоқ келишувида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини
назорат қилиш комиссияси
ТАРКИБИ**

Комиссия таркиби Ф.И.Ш.	Имзо	Лавозими
Комиссия раиси:		
А.Асамов		Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси ўринбосари
Комиссия раиси ўринбосари:		
Ш.Мухамедханов		Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раисининг ўринбосари
Комиссия аъзолари:		
Р.Хабибов		Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Кадрлар бошқармаси бошлиғи в.б.
Ж.Рахмедов		Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Молия-иқтисодиёт бошқармаси бошлиғи в.б.
Ф.Сафарбоев		Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Ташкилий-назорат бошқармаси бошлиғи в.б.
А.Дўстёров		Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Юридик бўлими бошлиғи в.б.
О.Настинов		Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши аппаратининг Ёшлар масалалари бўйича раис маслаҳатчиси
Д.Эрдашев		Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши аппаратининг меҳнат муҳофазаси бўйича бош мутахассис
Б.Джумаев		Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши аппаратининг бош юрисконсульти
Т.Толибаев		Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши аппаратининг ижтимоий химоя масалалари бўйича бош мутахассиси

Изоҳ: Комиссия таркибидаги ходимлар бошқа ишга ўтказилганда, унинг ўрнига тайинланган ходим (мутахассис) комиссия аъзоси ҳисобланади.